

**РЕСПУБЛИКА "ОИЛА" ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ**

# **ОИЛАВИЙ БИЗНЕС – ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИНГ ОМИЛИ**

**Илмий мақолалар тўплами**



# **КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИДА МУАММОЛИ ТАЪЛИМНИНГ ЎРНИ**

*Д.М.Расулов – профессор, М.К.Хошимова - ТДИУ доценти*

Бозор иқтисодиёти шароитида ривожланиш тенденцияси ва рентабеллиги юкори бўлган тадбиркорлик субъектлари бу кичик бизнес субъектлари ҳисобланади. Жаҳон молиявий-иктисодий инкиrozининг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсирини юмшатиш ва унга қарши чоралар кўриш мақсадида давлатимизда “2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган инқирозга қарши чоралар Дастури” қабул қилинди ва у босқичма-босқич амалга оширилиб борилмоқда. Кичик бизнесни ривожлантиришнинг самарадорлиги ҳақида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «кичик бизнеснинг ихчам ва ҳаракатчанлиги, бозор конъюнктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослаша олиши уни жаҳон иқтисодий инқирози даврида янги иш ўринларини яратиш ва ахоли даромадини ошириш борасида энг кулай ва мақбул воситага айлантиради»<sup>6</sup>», деб кўрсатиб ўтди ва кичик бизнесни жадал суръатлар билан ривожлантириш заруратини устувор вазифа килиб белгилаб берди.

Хукуматимиз кичик бизнес субъектларига солинадиган солиқ юкини йилдан-йилга камайтириб бормоқда. 2005 йилда ишлаб чиқариш соҳаси билан шуғулланувчи кичик бизнес субъектларининг ягона солиқ тўлови ставкаси 13 фоизни ташкил қилган бўлса, 2010 йилда 7 фоиз микдорида белгиланганди.

Давлат ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар пул-кредит сиёсати ва асосан солиқ тизими орқали амалга оширилади. Шу сабабли бозор ислохотларини чукурлаштириш, иқтисодиётни либераллаштириш ва бозор механизми асосида кичик бизнес субъектларини ривожлантириш борасида Президентимизнинг қатор Фармон ва Қарорлари қабул қилиниб, тадбиркорликни ривожлантиришга шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 1998 йил 9 апрел-

<sup>6</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: Ўзбекистон, 2009. -46 б.

да «Хуссий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантириши янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1987-сонли Фармонлари, 2005 йил 14 июндаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқукий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 3619-сонли Фармонлари, 2005 йил 20 июндаги «Микрофирма ва кичик корхоналарни ривожлантириши рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги 3620-сонли ва 2005 йил 15 июндаги «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисбот тизимини тақомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги 100-сонли қарорлари қабул қилингандиги бунинг ёрқин мисолидир.

Давлатнинг иқтисодий салоҳияти ўсиш кўрсаткичларининг ижобийлиги иқтисодиёт тармоқларидағи кадрлар ва иқтисодий таълим ислоҳотларини қай даражада тараккий этишига бевосита боғлиқ. Шунингдек, кадрлар сиёсати иқтисодий ривожланиш даражаларини прогнозлаш ва яхшилашда муҳим омил ҳисобланади.

Шу нуктаи назардан «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» нинг аҳамияти бекиёсdir. Юқори малакали тадбиркорларни шакллантирищнинг асосий воситаси сифатида таълим-тарбия тизими самарадорлигини ошириш, шахснинг интеллектуал ва маънавий-аҳлоқий, касбий тарбиясини шакллантириши кўрсатиш мумкин. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Таълим тўғрисидаги Қонунда белгиланган талаблардан келиб чиқиб, рақобатбардош малакали кадрларни тайёрлаш вазифасини тўла амалга ошириш учун олий таълим муассасаларида қўлланиб келинаётган анъанавий ўқитиш усуллари билан бирга ўқитишнинг янги самарали усулларини, мустақил ва ижодий фикрни ривожлантирувчи усулларни ўкув жараёнiga кенг тадбиқ қилиш лозим.

Бугунги кунда касбий тайёргарлик жараёнida талabalарни касбий муаммоларни хал этишга, масаланинг ечимини мустақил топишга ўргатиш долзарб масала сифатида майдонга чиқмокда. Чунки, бугунги кунда фан-техника таракқиёти жадал суръатлар билан ривожланиб борар экан, мавжуд билимларимиз тез-тез янгиланиб боради. Бу холат биздан нафақат талabalарни фундаментал билимлар билан қуроллантириши, балки уларда фикрлаш рефлексларини ривожлантириши ва эгилувчан аклни шаклланти-

ришни ҳам талаб этади. Муаммоли таълим тизими айнан ана шу мақсадга эришиш воситаси сифатида қабул қилиниши мумкин.

Муаммоли таълим дейилганда, ўқитувчи раҳбарлигига муаммоли вазият вужудга келтирилиб, мазкур муаммо талабаларнинг фаол мустақил фаолияти натижасида билим, кўникма ва малакаларни ижодий ўзлаштириш ва аклий фаолиятни ривожлантиришга имкон берадиган таълим жараёнини ташкил этиш назарда тутилади. Муаммоли таълим мураккаблигига кўра турли даражада ташкил этилиши мумкин. Бу талабаларнинг тайёргарлик даражасига, билим даражасига ва фикрлаш кобилиятининг ривожланганлик даражасига боғлик ҳолда танланади.

Муаммоли таълимнинг ўрганиш даражаси – ўқитувчи муаммоли вазиятни яратади ва унинг ечимини топиш йўлларини талабаларга намуна сифатида кўрсатади. Бу ҳолда талабалар муаммони ечиш усулини кузатадилар ва пассив ҳолатда бўла-дилар. Улар муаммони ечиш малакаси билан танишадилар.

Муаммоли таълимнинг хамкорлик даражаси – ўқитувчи томонидан муаммо вужудга келтирилади ва талабалар билан хамкорликда ечимлар топилади. Муаммоли таълимнинг мустақил даражаси – ўқитувчи томонидан муаммоли вазият ташкил этилади ва муаммо ўртага ташланади. Талабалар томонидан мустақил равища ечим топилади. Бунда талабалар фаол ишти-рок этадилар ва уларда мустақил фикрлаш рефлекси ривожланади.

Муаммоли таълимнинг ижодий даражаси - муаммоли вазиятни ҳам муаммонинг ечимини ҳам талабалар ўзлари ташкил этилишини шакллантирадилар. Улар мавзудаги мавжуд муаммони кўра олишга ва унинг ечимини мустақил равища топа олишга ўрганадилар. Бу муаммоли таълимнинг энг юкори даражаси ҳисобланади. Чунки, талабалар ижодий фиклашга ўрганадилар. Бу ҳолда ўқувчилар ўта фаол ҳолатда бўладилар. Ўқитувчи эса кузатувчи ва баъзан йўналтирувчи сифатида майдонга чиқади.

Муаммоли таълимнинг муваффақияти куйидаги омилларга боғлик:

1. Ўқув материалини муаммолаштириш;
2. Талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш;
3. Таълим жараёнини ўйин, меҳнат фаолияти билан уйғунлаштириш;

4. Ўқитувчи томонидан муаммоли методлардан ўз ўрнида ва самарали фойдаланиш кўникмасига эга бўлиш;

5. Муаммоли вазиятни ҳал этиш юзасидан муаммоли саволлар занжирини тузиш ва мантикий кетма-кетликда талабаларга баён этиш.

Муаммоли таълимнинг энг кичик элементи бўлиб муаммоли вазиятлар ҳисобланади.

**Муаммоли вазият** муайян педагогик воситаларда максадга мувофиқ ташкил этиладиган ўзига хос ўқитиш шароитида юзага келади ҳамда ўрганилган мавзулар хусусиятларидан келиб чишиб, бундай вазиятларни яратишнинг маҳсус усулларини ишлаб чишиш зарур. Ўқитиша муаммоли вазият шунчаки «фикр йўлидаги кутилмаган тўсиқ» билан боғланган ақлий мashaққат ҳолати эмас, балки у билиш мақсадлари маҳсус тақозо қилган ақлий таранглик ҳолатидир. Бундай вазият негизида аввал ўзлаштирилган билим излари ва янги юзага келган вазифани ҳал қилиш учун ақлий ва амалий ҳаракат усуллари ётади. Бунда ҳар қандай мashaққат муаммоли вазият билан боғлиқ бўлмаслиги, яъни янги билимлар аввалги билимлар билан боғланмаса, ақлий мashaққат муаммоли бўлмайди. Муаммоли вазият ҳар қандай фикрлаш мashaққатларидан фарқ қилиб, унда талаба машакқат талаб қилган тушунча ёки фактнинг унга аввал ва айни вактда маълум бўлган вазифа, масала бўйича ички, яширин алоқаларини англаб етади.

Муаммоли вазиятларни яратиш орқали бўлажак тадбиркорларда касбий муаммоларни ечимини топиш малакаларини шакллантириш имкони вужудга келади. Ҳар бир ўқитувчи муаммоли вазиятларни максадли яратиш малакасига эга бўлиши ва ана шу вазиятлар асосида ўкув жараёнини ташкил этишга интилиши лозим. Ана шундай ёндашув асосида ўкув жараёнини ташкил этиш таълим самарадорлигини оширишга ва малакали тадбиркорларни етиштиришга асос бўлади.